

**“МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЮЗ БЕРГАН БАХТСИЗ
ҲОДИСАЛАРНИ ВА ХОДИМ САЛОМАТЛИГИГА ЕТКАЗИЛГАН
ЗАРАРЛАНЛАРНИ ТЕКШИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ”**

Тўйчиев Ёрқинжон Абдурашидович

Ўзбекистон Республикаси Судъялар Олий кенгаши ҳузуридаги

Судъялар олий мактаби тингловчиси

+998912027502

e-mail: tuychiyevyorqinjon89@gmail.com

Аннотация: Мақолада Меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган баҳтсиз ҳодисаларни ва ходим саломатлигига етказилган заарарланларни текшириши ва ҳисобга олиши тартиби хусусида сўз боради. Меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган баҳтсиз ҳодисаларни ва ходим саломатлигига етказилган заарарланларни текшириши ва ҳисобга олиши тартиби бўйича муносабатлар аввало Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Мақоланинг мақсади сифатида Меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган баҳтсиз ҳодисаларни ва ходим саломатлигига етказилган заарарланларни текшириши ва ҳисобга олиши тартиби фаолиятини хуқуқий тартибга қай дараҷада тартибга солинганлиги ва бу соҳадаги муаммоларини тадқиқ этишидан иборат бўлган. Хулосада меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган баҳтсиз ҳодисаларни ва ходим саломатлигига етказилган заарарланларни текшириши ва ҳисобга олиши тартиби фаолиятини ривожлантиришида биринчи навбатда ушбу соҳани тартибга солиши юзасидан ҳорижий тажрибани ўрганиши зарурлиги ҳақида хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: Меҳнат кодекси, ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган заарни тўлаши қоидалари», баҳтсиз ҳодиса, ходим саломатлигига етказилган заарарланларни текшириши ва ҳисобга олиши тартиби, Н-1 шаклидаги далолатнома.

Меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган заарни қоплаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Меҳнат кодекслари ва ушбу муносабатларни тартибга солувчи Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган заарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар

саломатлигини, бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида”ги Низом мухим манба бўлим ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса деганда, ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у қасбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса тушунилади.

“Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигини, бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида”ги Низом кўра, корхона ҳудудида ва унинг ташқарисида меҳнат вазифаларини бажараётганда шунингдек хизмат сафарларида бўлганда ҳам юз берган жароҳатланиш, заҳарланиш, иссиқлик таъсири, портлаш, фалокатлар, иморатлар, иншоотлар ва конструкциялар бузилиши, куйиш, музлаш, қизиш, электр токи ва яшин уриши, ҳайвонлар, ҳашаротлар ва судралиб юрувчилар томонидан, террористик ҳаракатлар натижасида шикастланишлар, шунингдек табиий офатлар мисол учун зилзилалар, сув тошқинлари, тўфонлар туфайли саломатликнинг бошқа хил шикастланишлари ва бошқа бир қатор шу каби бахтсиз ҳодисалар текширилади ва ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида ходимнинг меҳнат қобилияти камида бир кунга йўқотилса ёки тиббий хulosага мувофиқ енгилроқ бошқа ишга ўтиши зарур бўлса, белгиланган тартибда Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилади. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ҳамда ҳисобга олиш, Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш, бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгардир. Агарда иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатномани тузишдан бош тортса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс Н-1 шаклидаги далолатнома мазмунидан норози бўлса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс корхона касаба уюшмаси қўмитасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига мурожаат қилиши мумкин. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иктисодий ҳукуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи 10 кун муддат ичida бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиб чиқади, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари, меҳнат хавфсизлиги андозалари бузилишини аниқлайди, зарур деб ҳисобласа, иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки қайта тузишни талаб қиласди.

Ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодиса ҳақида жабрланувчи ёки гувоҳ дархол корхона раҳбарига хабар бериши керак, у эса жабрланувчига зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатиши ва уни тиббий-санитария қисмига ёки бошқа даволаш муассасасига етказишни таъминлаши лозим. Текшириш комиссияси иш бошланишига қадар иш жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини ҳодиса юз берган дақиқада қандай бўлса,

шундайлигича сақлаб қолиши. Тиббий муссаса эса юз берган ҳар бир баҳтсиз ҳодиса ҳақида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига хабар беради. Иш берувчининг буйруғига билан иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи таркибида юз беоган баҳтсиз ҳодисани ўрганиб чиқиши бўйича комиссия тузилади. Комиссия уч иш куни ичида баҳтсиз ҳодисани текшириб чиқиши Н-1 шаклидаги далолатнома тузиши ва уни тасдиқлаши учун иш берувчига топшириши лозим. Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилган баҳтсиз ҳодисалар корхона томонидан ҳисобга олинади ва дафтарда қайд қилинади. Агар корхона қайта ташкил этилса Н-1 шаклидаги далолатнома ҳуқуқий ворисга корхонанинг бошқа қимматли қоғозларини топшириш тартибида берилади. Агар корхона тугатилса Н-1 шаклидаги далолатнома корхонанинг юқори турувчи хўжалик органига берилади. Агар корхонада юқори турувчи хўжалик органи бўлмаса, унда Н-1 шаклидаги далолатнома, туман (шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимида берилади.

Бошқа ташкилот томонидан ўша ташкилот топширигини бажариш учун ёки хизмат вазифасини адо этиш учун мазкур корхонага жўнатилган ходим билан юз берган баҳтсиз ҳодиса шу баҳтсиз ҳодиса юз берган корхона иш берувчиси томонидан тузилган комиссия томонидан жабрланувчи ишлайдиган ташкилот вакили иштирокида текширилади. Н-1 шаклидаги далолатноманинг 3-бандида ходимни йўллаган ташкилот номи кўрсатилади. Баҳтсиз ҳодиса жабрланувчи қайси ташкилот ходими бўлса ўша ташкилот томонидан ҳисобга олинади.

Н-1 шаклидаги далолатнома бўйича расмийлаштирилган барча баҳтсиз ҳодисалар ҳисботга ҳамда уч иш куни ичида «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларо дастурий-аппарат комплексига киритилади. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиши, уларнинг меҳнат жамоасида қўриб чиқилишини таъминлаши ва ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олишга оид чоратадбирларни амалга ошириши шартдир. Ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодиса юқори турувчи касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан биргалиқда юқори турувчи хўжалик органларида ва Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва «Ўзэнергоинспекция» ҳайъатида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат техник инспектори иштирокида муҳокама қилинади.

Юқоридагиларга кўра баҳтсиз ҳодисаларни ва ходим саломатлигига етказилиши мумкин бўлган заарларни олдини олиш мақсадида иш берувчилар ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнгин чиқишидан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб боришлини лозим. Ходим иш жараёнида ўзининг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи ҳолатлар юзага келиб қолганлиги тўғрисида иш берувчига дарҳол хабар килиши керак. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириб бориш ва назорат қилиш билан шуғулланувчи органлар ана шу ҳолатларни тасдиқлаган тақдирда иш берувчи бу ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳолларда иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик вакти-вакти билан ходимларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиши шарт.